

ФРАЗЕОГРАФИЯНИНГ ТАРАККИЁТ ДАВРЛАРИ

Djalilova Dilfuza Baxodirovna

O'zbekiston Milliy universiteti doktoranti

E-mail: dilfuza.jalilova2024@gmail.com

P. Nishonov taqrizi asosida

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti dotsenti,

Аннотация: Ушбу мақола фразеография тушунчасининг кенгрок ёритилиши ва унинг ривожланиш босқичлари тугрисида фикр юритилади.

Калит сузлар: фразеология, фразеография, тадқиқотчи олимлар, лексикология

Аннотация: В данной статье дано исчерпывающее объяснение понятия фразеологии и этапов ее развития.

Ключевые слова: фразеология, фразеография, ученые-исследователи, лексикология.

Abstract: This article provides a comprehensive explanation of the concept of phraseography and the stages of its development.

Keywords: phraseology, phraseography, research scientists, lexicology.

Бугунги кунда фразеография хақида лексикографиянинг фразеологик лугатлари амалиёти ва назарияси билан шугулланалиган мустақил булими сифатида тадқиқ этилади. Хар бир тилда идиомаларнинг тарифи ва корпуси меъёрга келтиришни бажарадиган назарий ҳамда амалий фразеология муаммолари узаро фаркланади. Мазкур тадқиқотлар идиоматик лугатларнинг умумий типологияси, янги турдаги лугатлар ишланмаси, лугат макротузилмаси (бирликлар саиланмаси.уларнинг жойлашуви тамойиллари), лугат микротузилмас ва алоҳида лугат шаклини камраб олади.

Фразеологиянинг лексикография мустақил булими сифатида якуний шаклланиши XX асрнинг 70-йилларига тугри келади. "Фразеологизм ва сузнинг лексикографик таърифида симбиоз[3] хар доим ҳам зарурий эмаслиги"[4] тугрисидаги фразеографияни лексикогорафияни тулаконли, мустақил булими сифатида ажралиб чиқишига асос булиб хизмат килди. Фразеологик бирлик сузнинг муқобили булмагани учун уни лугатдаги сузларнинг изоҳидан фаркланиши керак. Бошқа томондан "Фразеографиянинг ажралиши фразеологик лугатлари маълум турларининг ишланмаганлиги ва хар бир турдаги лугатни тузилиши учун махус йуриқномаси йуқлиги билан боғлиқ булган, зеро бугун мавжуд лугатлар уз тузилиши буйича етарлича номаълумдир"[1].

Шуни таъкидлаш лозимки, М.Умархужаевнинг мулохазалари симптоматик булиб, илмий билимнинг дифференциацияси босқичларига хосдир. Аввалги босқичнинг эмпирик-холистик ЭМПИРИЗМ (юн. етрета - тажриба) - фалсафий оқим; хиссий тажрибани билишнинг бирдан бир манбаи деб хисоблайди. Рационализмга қарам қарши туради. Тажрибани, хиссий билишни мутлақлаштириш, рационал билиш (тушунчалар, назариялар) ахамиятини пасайтириш эмпиризмга хос жиҳатлардир?.[3] Ушбу мазмун илмий тушунча

шаклига кириб бормокда. Холистик мазмуни, яни унинг яхлитлигининг хажми кичраймокда ва структуравий тартибга солинмокда суз бирикмалари фразеографиясининг сузлардан ажралиши мисолида).

Бу борада фразеографиянинг эмпирик боскичи илк фразеографик манбалар пайдо булган даврда -XVII асрдан бошланган. Бу манба Джеймс Хауэлл томониан тузилган маколлар ва тез айтишлар тупламидир. «Лексикон Тетраглоттон» номли бу тупламга инглиз, итальян, француз ва валлий тилларидаги маколлар ва тез айтишлар киритилган.

Замонавий фразеология лексикографиянинг фразеологик лугатлар тамомиллари, фразеологик лугатлар ва тилнинг фразеологик лугатлари йигиндиси тугрисидаги тадқиқотларни камраб олади.

Замонавий фразеологик урфларнинг тикланиши уч боскичда руй берган булиб, биринчи боскич XIX асргача макол-накларнинг дастлабки кулёзма тупламлари пайдо булган даврдан бошланган.

Иккинчи боскич XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмига тугри келади. Бу даврда лугатлар миқдори ортиб, маколлар ва тез айтишлар лугатлари каторида идиомалар лугати ҳам пайдо булди.

Курсатилган даврнинг хусусияти яратилган фразеологик манбаларнинг сифати яхшиланишида уларнинг муаллифлари тарифланаётган бирликларнинг лингвистик тавсифларини беришни бошладилар. Бу даврда тузилган лугатлар изоҳларлан ташқари тасвирий мисоллар. этимологик ва стилистик эслатмалар билан бойиган.

Ушбу даврда Г. Палмер ва А.Хориби инглиз фразеографияси ривожланишига катта хисса кушганлар. XX асрнинг 20 йиллари охирларида бу олимлар бир неча сузлардан иборат бирликларни туплаш ва таснифлаш мақсадида талқикот ишлари бошанган. Талқикот натижалари Г Палме томонидан "Second Interim Report on English Collocations" да баён этилди, бу ерда муаллиф хорижий талабанинг идиоматик суз бирликларини урганишда тукнаш келадиган кийинчиликларга ургу бериб, кийинчиликлар уларнинг идиосинкретик шакллари ва шакл ва маъноси орасидаги мотивланмага узаро муносабати билан тушунтирилади. Бирок Г. Палмер идиоматикага нисбатан ҳеч қандай тасниф таклиф қилмади. Унинг мулоҳазаларида идиоманинг қуйидаги тарифида намоён буладиган дидактик интенция усту келади: "алоҳида эмас, бир бутун деб урганилиши зарур булган икки ёки ундан ортик сузларнинг кетма кетлиги"эканлиги таъкидланган[5] Таснифлашнинг йуклиги оқибатида идиомаларнинг идиоматиклик даражаси буйича чегаралаб берадиган мезонлар ҳам мавжуд булмайди. Инглиз идиомалари Оксфорд лугати муаллифларидан бири А.Коуининг айтишича, Г.Палмер ва А.Хорнбилар тадқиқотининг ижобий томони синтаксис

моделларнинг таснифи булиб, унда суз бирикмалари ҳам камраб олинган Олимларнинг фикрига кура, асосий мезонлар гап тузилмаси хисобланади. Г.Палмер ва А. Хорнби тадқиқоти умуман гарб лексикографияси, хусусан, фразеографияси ривожланишига катта хисса кушган яна бир ижобий ютуги улар томонидан таклиф этилган синтаксис тавсифи ва бирликлар тахлили хисобланади. Натижада умумий лугатлар учун грамматик "кодлар" тизими ишлаб чиқилди ва улар фразеография амалиётида ҳам кенг қулланилади жумладан, Оксфорд инглиз идиомалари лугатидир.

Фразеографиянинг учинчи боскичи тахминан XX асрнинг 50 йилларида бошланди ва бугунги кунгача давом этмокда. Боскичнинг хусусияти фразеография манбаларини

тузишда телеологик ёндашувнинг устуворлиги хисобланади. Тузувчилар лугатнинг олдида маълум вазифа, максадлар куйганлар ва уларга хизмат қилиши зарур. Шу орқали этимолдаги фойдаланувчилар доираси ажратилиши лозим. Мазкур ҳолат диалектал синонимик ва бошқа турлаги фразеологик маълумотномалар ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

1955 йил охирига келиб А. В.Куниннинг инглиз-рус фразеологик лугати босиб чиқарилади. Лугат муаллиф кушимчалари ва згаришлари туфайли бир неча марта қайта чоп этилди. Сунги нашр 1984 йилда бажарилган. Унда А.Коуи таъкидлашича, лугат илмийлик намунаси ва назарий асосланган лексикографиянинг модели» [1] хисобланади

А.Коуининг фикрича, лугат назарий нуктаи назардан, асосий илмий манба сифатида белгиланган талабларга жавоб беради. Фразеологик маъно А.В. куниннинг фразеологик назариясини амалий куллаш булиб, у муаллифнинг докторлик диссертацияси ва фразеология буйича қатор укув кулланмаларида тарифланган [5]

Биз томонимиздан урганилаётган фразеологик лугатларнинг аксарияти учинчи даврга тугри келади.

Коуининг айтишича. 1970 йилларнинг уртасидан бошлаб, британ фразеологик урфлари ривожланишига фразеология соҳасида утказилган тадқиқот тасир қилган, улар асосан рус лингвистлари В.В.Виноградов ва н. Амосова томонидан утказилган Хусусан. улар томонидан таклиф қилинган таснифлар ахамиятли эътиборга сабаб булган, бу таснифлар буйича фразеологик бирликлар таркибий қисмлари бириктириш буйича уч тоифага ажратилган.

Шу тариха, ривожланишнинг бу босқичида Г. Палмер ва А.Хорнби ютуқларига асосланган британ фразеология урфлари рус фразеологик мактабининг қучли тавсирига юз тутди. бу эса албатта. лугатлар тузиш амалиётида уз аксини топди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии / Н.Н. Амосова.-Л.: ЛГУ, 1963-208 с
2. Кунин А.В. Английская фразеология / А.В. Кунин. - М.: 1970. - 344 с.
3. Умарходжаев М.И. Современные проблемы фразеологии
4. Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. - Ташкент: Фан, 1983. - 136 с.: Фразеологизм и его лексикографическая разработка. Материалы 1% международного симпозиума. - Минск, 1987. - 146 с.; Фразеология в машинном фонде русского языка. Сборник статей. - М.: 1990. - 208 с. Ва бошқалар.
5. Cowie A.P. The Treatment of Collocations and Idioms in Learners' Dictionaries / A.P. Cowie // Applied Linguistics. - 1981. - N 3. - P. 223-235